

**QORAQALPOG'ISTON  
RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR KENGASHINING  
QARORI**



**QARAQALPAQSTAN  
RESPUBLIKASÍ  
MINISTRLER KEÑESINIŃ  
QARARÍ**

2022 - yil 21 - oktabr

505-13-0-Q/22

Qoraqalpog'iston Respublikasi  
Vazirlar Kengashi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил  
14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ  
қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-  
тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ҳақида**

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгashi қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) 1-иловага мувофиқ;

Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

б) Одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Қорақалпоғистон Республикасидаги авлат органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлеклари 2022 йил 25 октябрга қадар ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда:

а) Одоб-ахлоқ қоидалари асосида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини;

ушбу қарор билан тасдиқланган низом асосида Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини тасдиқласин;

б) ички меҳнат тартиб-қоидаларини ва бошқа идоравий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун;

в) 2022 йил 1 ноябрга қадар ушбу банднинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар натижаси тўғрисида батафсил ахборотни тасдиқланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда Вазирлар Кенгаши ташкилий-кадрлар гуруҳига тақдим этсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини давлат хизматчилари ўртасида тушунтириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил этсин.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда 2022 йил 25 октябрга қадар ушбу ўқув-семинарлари бўйича ташкилий ҳужжатлар тўпламини (давлат органлари ва ташкилотлари кесимида ўқув-семинарларини ўtkазиш графиги ва тартиби, семинарни ўtkазишга масъуллар рўйхати, иштирокчиларнинг намунавий контингенти ва б.)

Вазирлар Кенгашига киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2020 йил 29 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги 237-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг барча ўринбосарлари ва Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчisi - аппарат раҳбари зиммасига юклансин..

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариеv

Qoraqalpog'iston Respublikasi  
Vazirlar Kengashining  
2022 yil 21 oktabrdagi  
505-13-0-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

### аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ

#### ҚОИДАЛАРИ

##### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услугбининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгига давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

2. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши

курашиш;

хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-авторнинг қуидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига қўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал қилади.

5. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига

риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳукуқига эга.

6. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

## **2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари**

### 7. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари:

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффоффликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган хуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишchanлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

8. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари**

9. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари хизмат фаолияти давомида куйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқилаётган норматив-хукуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гурух ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равища бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равища фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда

ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидағи хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирумаслик;

фуқаролар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тұхмат, иғво ва үйдирмаларни тарқатмаслик;

мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

мехнат жамоасида ишchanлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

мехнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

## 10. Раҳбарлар қуидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўrnak бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

давлат хизматчиларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

давлат хизматчилари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги давлат хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

11. Раҳбарлар бўйсунувидаги давлат хизматчиларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

#### **4-боб. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари**

12. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

13. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ишдан ташқари вақтда куйидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабабозлик, шухратпарастлик, гурухбозлик, майшатбозлик, ичкилиkbозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати

фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласдиган тарзда кийинмаслик.

## **5-боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари**

14. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

15. Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

16. Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

17. Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

18. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўз фикрларининг янгилиши ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

## **6-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари**

19. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

20. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услугуга мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

21. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услугуга оид қўшимча талаблар ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

### **7-боб. Манфаатлар тўқнашуви**

22. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

23. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

### **8-боб. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш**

24. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларини хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш раҳбари томонидан амалга оширилади.

25. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик қўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

### **9-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиши**

26. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат Вазирлар Кенгаши ташкилий-кадрлар грухи ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

27. Вазирлар Кенгашида лавозимга тайинланган давлат хизматчилари ташкилий-кадрлар грухи томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таниширилади.

28. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви Вазирлар Кенгаши Раисининг кўрсатмасига мувофиқ Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ўтказилади.

Хизмат текширувини ўтказиш тартиби Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан белгиланади.

### **10-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик**

29. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

30. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларига қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

узд сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

Вазирлар Кенгашининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

31. Одоб-ахлоқ комиссияси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Вазирлар кенгаши Раисига тақдимнома киритиши мумкин.

**Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари раҳбар томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.**

32. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

## **11-боб. Якуний қоида**

33. Қорақалпогистон Республикасидаги давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ ўз идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди.

Qoraqalpog'iston Respublikasi  
Vazirlar Kengashining  
2022 yil 21 oktabrdagi  
505-13-0-Q/22-son qaroriga  
2-ilova

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати одоб-ахлоқ  
комиссияси тұғрисидаги низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги үринларда – Комиссия) фаолиятини тартибға солади.

2. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари (кейинги үринларда – Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тұғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига, ушбу низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади.

Комиссия таркиби Вазирлар Кенгаши қарори билан тасдиқланади ва доимий равища фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган

қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

## **2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари**

**5. Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чоратадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида раҳбар ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

**6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:**

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб

олади;

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига экспертлар ва мутахассисларни жалб қиласди;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан Вазирлар Кенгashi аппарати ходимлариға тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича Вазирлар Кенгashi аппарати ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан Вазирлар Кенгashi Раисига таклиф киритади.

7. Комиссия Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласди.

8. Комиссия фаолиятини ташкил қилиш ва Вазирлар Кенгashi аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ушбу низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

9. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигига эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

11. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзолариға ёзма равишда, қоида тариқасида, камидаги икки кун олдин хабар қиласди, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

13. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

14. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказади;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

Вазирлар Кенгаши таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

ҳар йили Вазирлар Кенгشاи Раисига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

15. Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, ходимлардан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қиласди;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

16. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

17. Комиссияси аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

18. Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

**4-боб. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш**

**19. Комиссия Вазирлар Кенгашининг ташкилий-кадрлар гурухи билан биргаликда мунтазам равишда Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:**

**Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан қайфиятни шакллантириш;**

**Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари “халоллик вакцинаси”**

**билин эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;**

**Вазирлар Кенгашида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;**

**Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг қасбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;**

**Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;**

**янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш;**

**Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошка тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз қасбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.**

**20. Комиссия Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.**

**21. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари қўмитаси билан биргаликда ташкил этилади.**

**22. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг**

**натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.**

**5-боб. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши тартиби**

23. Комиссия Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

Вазирлар Кенгаши Раисининг топшириғига кўра;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;

Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

24. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган Вазирлар Кенгаши аппарати ходими, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

25. Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

Вазирлар Кенгаши Раисининг топшириғи ёки Вазирлар Кенгаши аппарати ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган Вазирлар Кенгаши аппарати ходими ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

26. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўзининг хуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишchanлик обрўсига дахл қиласидаган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга

зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

27. Мажлис якуни бўйича Комиссия Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.

28. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Комиссия томонидан Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларига куйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

Вазирлар Кенгашининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

29. Комиссия Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Вазирлар Кенгаши Раисига тақдимнома киритиши мумкин.

30. Комиссия томонидан куйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги тақрор мурожаатлар;

аноним мурожаатлар;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

31. Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларига ва Вазирлар Кенгаши Раисига ёзма равишда маълум қиласди.

**32. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари раҳбар томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.**

33. Комиссиянинг қарори устидан Вазирлар Кенгаши Раисига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

34. Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақида мурожаат унинг ташаббускори

томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

35. Тарафлар ярашган, шунингдек Вазирлар Кенгаши аппарати ходимлари ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси  
тўғрисидаги низомга  
илова

**Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва Вазирлар Кенгаши аппарати  
ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ  
масалаларни кўриб чиқиши**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
-----------	------------	-----------	-----------------

**I. Комиссия фаолиятини ташкил этиши**

1-босқич	Давлат органи ва ташкилоти раҳбари	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссияларини (кейинги ўринларда – Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камида беш нафардан кам бўлмаган миқдорда ток сонда шакллантириш.</p> <p>2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчиларини киритиш.</p> <p>3. Комиссия таркибини тасдиқлаш.</p> <p>4. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.</p>	Икки ҳафта муддатда
----------	------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------

		<p>Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказади мажлисига раислик қиласи.</p> <p>Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти түғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади.</p> <p>Давлат органи ва ташкилоти раҳбарига Комиссия фаолияти түғрисида ҳисобот тақдим этади.</p>	<p>Маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб</p> <p>Ҳар йили йил якуни бўйича</p>
2-босқич		<p>Кун тартибиға мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибиға киритилган масалалар ҳакида хабардор қиласи.</p> <p>Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласи, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.</p> <p>Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.</p>	<p>Мажлисдан камида икки кун олдин</p> <p>Мажлисдан кейин бир кун муддатда</p>

**Босқичлар****Субъектлар****Тадбирлар****Ижро муддати**

**II. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш**

<b>1-босқич</b>	<b>Комиссия</b>	Комиссия мунтазам равишида давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишининг олдини олишга қаратилган қуидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади: давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соглом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш; давлат хизматчилари “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш; давлат органи ва ташкилотида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси, шунингдек диний соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш; давлат органи ва ташкилотида ходимларининг касбий ва бошқарув кўнимкалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишида оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий ошириш ишларини таъминлаш; давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини, хуқуқий саводхонлигини, хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодий ва хуқуқий ўқишилар ташкил этиши; янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сұхбатлар ташкил қилиш; давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.	<b>Комиссия</b> томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида
<b>2-босқич</b>	<b>Комиссия</b>	Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлигини Комиссия йиғилишида муҳокама қиласи.	<b>Ҳар йили</b> якунлари бўйича

### III. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши

<b>1-босқич</b>	<b>Комиссия</b>	Комиссия давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни: давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғига кўра; хуқуқни муҳофazaga kilevchi organlarning murojaaatiga asosan; давлат хизматchilarning, shuningdek jismoniy va yuridik shaxslarning murojaaatlariiga binoan; ўз tashabbusi bilan k'uriib chiqadi.	Заруратга кўра
-----------------	-----------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------

<b>2-босқич</b>	<b>Комиссия раиси ва аъзолари</b>  <b>Давлат хизматчиси</b>	<p>Комиссия мажлисида:</p> <p>кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;</p> <p>давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириги ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;</p> <p>одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган давлат хизматчиси ва мурожаатчилар тушунтиришлари эшитилади.</p> <p>Ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишchanлик обрўсига дахл қиласидаги мурожаат бўйича амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ўзини химоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.</p>	<b>Мажлис ўтказиладиган кун</b>
<b>3-босқич</b>	<b>Комиссия</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мажлис якуни бўйича давлат хизматчисининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.</li> <li>2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда давлат хизматчиларига қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари кўллади:</li> <ul style="list-style-type: none"> <li>огоҳлантириш;</li> <li>узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;</li> <li>давлат органи ва ташкилотининг кенгайтирилган мажлисида танбеҳ бериш.</li> </ul> <li>3. Давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини кўллаш учун давлат органи ва ташкилоти раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.</li> <li>4. Қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равишда маълум қиласди.</li> </ol>	<b>Мажлис ўтказиладиган кун</b>
<b>4-босқич</b>	<b>Комиссия</b>	Одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.	<b>Заруратга кўра</b>
<b>5-босқич</b>	<b>Давлат хизматчиси</b>	Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.	<b>Заруратга кўра</b>



Qoraqalpog'iston Respublikasi  
 Vazirlar Kengashining  
 2022 yil 21 oktabrdagi  
 505-13-0-Q/22-son qaroriga  
 3-ilova

**Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати**  
**Одоб-ахлоқ комиссиясининг шахсий таркиби**

1	А. Исмаилов	Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчisi, комиссия раиси
2	Р. Рысназаров	Вазирлар Кенгаши Ташкилий-кадрлар гурухи бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
3	О.Сапаров	Вазирлар Кенгаши Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси
4	А. Жолдасов	Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
5	Ж.Уснатдинова	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш котибияти бошлиғи, комиссия аъзоси
6	А. Иматов	Вазирлар Кенгаши Юридик хизмати бош юрисконсульти, комиссия аъзоси
7	А. Нуржанов	Вазирлар Кенгашининг Касаба уюшмаси ташкилоти раиси, комиссия котиби

Изоҳ: Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзолари бошқа ишга ўтган ёки ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли ваколат ва функцияларини бажариш уларга юкланган шахсларнинг зиммасига юклатилади.